



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 88 (13.421)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2017–2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Кўп хонадонли уй-жой фондини техник ҳолатини тубдан яхшилаш ва ундан тегишли равишда фойдаланиш, таъмирлаш-тиклаш ишларини ўз вақтида амалга ошириш учун зарур шароитлар яратиш, шунингдек, кўп хонадонли уйларга туташ ҳудудларни обodonлаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини ташкил этиш даражасини янада оширишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин: аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш, кўп хонадонли уй-жой фондини уй ичидagi муҳандислик коммуникациялари ва умумий фойдаланиладиган жойларни ўз вақтида ва сифатли таъмирлаш, шунингдек, кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларни болалар ва спорт майдончалари ташкил этган ҳолда, обodonлаштиришни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш; кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш бозорини ривожлантириш имконини берадиган уй-жой коммунал хўжалигини бошқаришнинг таъсирчан вертикал тизимини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш; уй-жой коммунал соҳа ташкилотлари, айниқс- таъмирлаш-тиклаш хизматларининг моддий-

техник базасини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш, уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва малакали мутахассислар билан таъминлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган 2017–2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш, обodonлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилаш дастури (кейинги ўринларда – Дастур) тасдиқлансин ва унда қуйидагилар кўзда тутилсин:

2017–2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини умумий фойдаланиладиган жойларини мукаммал ва жорий таъмирлаш параметрлари 1-иловага мувофиқ;

2017–2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларни обodonлаштириш параметрлари 2-иловага мувофиқ;

2017–2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини лифт ускуналарини таъмирлаш ва алмаштириш параметрлари 3-иловага мувофиқ; кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш, ундан фойдаланиш ва таъмирлаш тизимини такомиллаштиришга доир комплекс тадбирлар 4-иловага мувофиқ.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари раҳбарлари тасдиқланган Дастурнинг белгиланган муддатларда қатъий бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

3. Қуйидагилар Дастурни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

кўп хонадонли уй-жой фондини мукаммал ва жорий таъмирлаш – тижорат банклари кредитлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг махсус банк ҳисобварақларида алоҳида тўпланадиган ўз маблағлари;

кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларни обodonлаштириш – Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджет, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари, шу жумладан, йил бошидаги қолдиқ бўш маблағлар ва I–III чорақ якуналари бўйича ортиги билан бажарилган даромад қисми, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

(Давоми 2-бетда)

Талабалик кезларим. Ўзбекистон тарихи фани ўқитувчимиз буюк аждодимиз Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақида маъруза қила туриб, Соҳибқироннинг шамшири, ёқут кўзли узуги каби шахсий буюмлари ҳозиргача сақланиб қолгани ҳақида айтиб қолди. Бугунги кунда бу нодир экспонатлар дунёнинг номдор музейлари, коллекционерлари бисотидан жой олган экан. Ёшимиз, қизиқончимиз. Бу маълумот кўрсаткичлари қатори менга ҳам қаттиқ таъсир қилган эди. Негизда бизнинг бобокалонимизга тегишли буюмлар ўзгаларни қўлида бўлиши керак, дея баҳслашиб кетгандик...

26 апрель – Амир Темур ордени таъсис этилган кун

МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТНИ УЙЎТОВУЧИ КУЧ



номи, шаъну шавкати ва мероси қайта тиклангани энг муҳим воқеалардан бири бўлди.

Биринчи Президентимиз ташаббуси билан 1996 йил мамлакатимизда Амир Темур йили деб эълон қилиниб, Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди. Темирийлар тарихи давлат музейи, Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди ташкил этилди. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги қонунига биноан Амир Темур ордени таъсис этилди.

Амир Темур ордени. Ўтган йилларда мазкур олий мукофотга Самарқанд, Шахрисабз шаҳарлари муносиб кўрилди. 2004 йилда шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлган ўзбек ўғлини Рустам Қосимжонов ҳам юксак мукофотнинг эгасига айланди.

2014 йил 22 августда Биринчи Президентимиз Ислам Каримов фармони асосида Термиз шаҳри ҳам Амир Темур ордени билан мукофотланди.

... Тинчлик ҳақида, осийишталлик ҳақида гапирганда, юртимиздаги ҳар қайси одам аввало ўз ишончини жа- нубий чегараларимизда Ватаннинг содиқ посбони бўлиб турган Термиз аҳлига, Сурхон воҳасининг мард- ларига қаратади. Чунки тарихнинг ўзи Термиз шаҳрига, унинг жасур халқи зиммасига юртимиз тинчлиги ва озодлиги йўлида метиндек мус- таҳкам кўрган бўлиш каби оғир ва масъулиятли вазифани юклаган. Ва сизларнинг барчангиз бу муқаддас вазифани бугунги таҳликали даврда ҳам шараф билан адо этиб келмоқ- дасиз... деган эди мустақиллиги- миз асосини шаҳар аҳлига олий му- кофотни топириш маросимиди.

(Давоми 2-бетда)

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди

Йиғилишда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қону- нининг 11, 12 ва 44-моддаларига мувофиқ, айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайловини ўтказиш юзасидан асо- сий тадбирларнинг календарь режасини тасдиқлаш, Бектемир туманидаги 8-Сувчи, Мирзо Улуғбек туманидаги 9-Салор ва 16-Хумоюн, Олмазор туманидаги 24-Мирзо Ғолиб, Шайхонтоҳур туманидаги 45-Фуркат ва 49-Жарарик, Юнусобод туманидаги 50-Минор ва 51-Хиёбонтёпа сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутат- лари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси аъзоларининг навбатчилик жадвали- ни тасдиқлаш масалалари кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг ушбу йиғилишида қабул қилинган қарорига кўра, айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга халқ депу- татлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларининг сайлови 2017 йил 21 май куни бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз)



● Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши та- шаббуси билан Паркент туманида суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган иш- ларга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Тадбир давомида Паркент туман партия кенгаши масъул хо- димлари, маҳаллий Кенгашлар де- путатлари, маҳалла фуқаролар йи- гинлари раислари, ўқитувчилар ва ёшларга суд-ҳуқуқ тизимидаги исло- ҳатлар кенг тушунтирилди.

● Зангиота туманида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбе-

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



9 май – Хотира ва Қадрлаш куни

ФАХРИЙЛАР ХОНАДОНИДА БАЙРАМ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларининг жасорат ва матонати давлатимиз томонидан қадрланиб, уларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда. Оила ва жамиятни мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол этиб тарбиялашда уларнинг ҳаётий тажрибасидан фойдаланилмоқда.

Президентимизнинг шу йил 4 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағ- батлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори фахрийларга кўрсати- лаётган эҳтибор ва эҳтирмининг амалдаги ифодасидир.

Мазкур ҳужжатларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, "Маҳал- ла" хайрия жамоат фонди бири қатор ташки- лотлар билан ҳамкорликда уруш қатнашчи- лари ва фронт ортида меҳнат қилган фах- рийлар ҳолидан хабар олинмоқда.

Шундай тадбирлардан бири пойтахтимиз- нинг Миробод туманида бўлиб ўтди. Хар- бийлар, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жа- моатчилик кенгаши аъзолари, давлат ва жа- моат ташкилотлари вакиллари, ўқувчи-ёшлар Олтинқўл кўчасида яшовчи Абдулла ота Та- зиев хонадониди бўлди. Мудофаа вазирли- ги бош бошқармаси бошлиғи Ф.Шерматов ва бошқалар 93 ёшли отахонни Президентим- из номидан байрам билан табриклади, пул мукофоти, совға-саломлар топширди.

Урушдан кейин мактабда ўқитувчилик қилдим, – дейди ЎзА мухбирига Абдулла ота. – Туман ҳокимлиги, маҳалла вакиллари, шо- гирдларим йўқлаб туришади. Замонавий, бири-биридан кўракмак таблавлари кўриб қувонаман. Ўқитувчиларга ҳам, ўқувчиларга ҳам ҳавасим келади. Мен ўзимни дунёдаги энг бахтли инсонлардан бири, деб ҳисоб- лайман. Чунки осийишта юрда, элпарвар Президентимизнинг ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиб яшаяпман. 3 фарзандим, ўнлаб нева- ра-чевараларим ардоғидаман. Маҳалламиз, бутун юртимиз бошига қўтариб, эъзозлаяпти. Кўнаев кўчасида яшовчи Галина ая Ахро- рова хонадонни ҳам бугун шодумонликка тўлди. Фарзандлари, неваралари дастурхон атрофида йиғилган.

Мудофаа вазири ўринбосари Д.Муротов ва бошқалар отахонни Президентимиз но- мидан байрам билан табриклади, пул муко- фоти, совға-саломлар топширди.

Галина ая шу йил 92 баҳорни қаршила- ди. Турмуш ўртоғи Аъло Ахроров ҳарбий шифокор бўлиб ишлаган. Уч фарзандни эл қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбия- ланган. Г.Ахророва урушдан қайтган, узок йил- лар ҳарбий соҳада меҳнат қилган.

– Эл-юрт бахти, фарзандлар роҳатини кўрмоқдаман, – дейди отахон. – Фарзанд- ларим, невараларим йиғилганда хонадони- миз қувончга тўлиб кетади. Илоҳим, бизни қадрлаган, улуғлаган инсонларнинг ўзлари ҳам шу ёшларга кириб, доимо элимиз ар- доғида бўлсин, мамлакатимиздаги тинчлик- осийишталликка кўз тегмасин.

Шу тумандаги Шароф Рашидов номидаги маҳаллада яшовчи Владимир Яшкин хо- на- дони шогирдлари, маҳалла ёшлари билан ҳаммаша гавжум. Отахон 92 ёшда. Болалик йиллари Самарқанд вилоятида ўтган. Ота- хон урушдан кейин темир йўл соҳасида, тур- ли давлат идораларида хизмат қилган. Би- ринчи Президентимиз фармонига асосан "Жасорат" медали билан тақдирланган.

Отахон кўрсатилаётган улкан эҳтибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдириб, ёшлар ва бўлажак Ватан ҳимоячиларини тинч ва осийишта ҳаётимизнинг қадрига етиш ҳамда уни кўз қорачиқидек асрашга қачирди.

– Президентимиз раҳнамолигида, авва- ло, инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган ислохотлардан беҳад мам- нунимиз, – дейди отахон. – Ўзбекистон бахт- ли инсонлар мамлакатиди. Биз, кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, фарзандларимиз келажаги йўлида қилинаётган олижаноб ишлар учун Президентимиздан миннатдор- миз.

Нурилло НАСРИЕВ

кистон Либерал-демократик партия- си Тошкент вилояти кенгаши томо- нидан "Аёллар – инновацион ривож- ланиш тарафдори" лойиҳаси доира- сида "Инновацион технологияларни ривожлантиришда таълим, фан ва бизнес тизимлари ўзалар алоқалари- га оид дилларб масалалар" мавзуси- да амалий семинар ўтказилди.

● Чирчиқ саноат касб-хунар кол- лежида Иккинчи жаҳон уруши қатнаш- чилари ва меҳнат фронти фахрийла- ри, ҳарбийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари, ўқитувчилар, ўқувчи- ёшлар иштирокида 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан "Номинг дилларда мангу" мавзуси- да маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

● Самарқандда "Камалак" билим- донлари республика кўрик-танлови- нинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. "Ка- молот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ви- лоят бўлими, вилоят халқ таълими,

маданият бошқармалари ҳамкорли- гида ташкил этилган тадбирда тан- ловнинг туман ва шаҳар босқичла- рида ғолиб бўлган жамоалар ишти- рок этди.



● Бугун Москвада халқаро хавф- сизлик бўйича VI конференция ўз ишини бошлади.

● Бугун Мексикада FAMEX – 2017 халқаро аэрокосмик саломи ўз эшик- ларини очди. 29 апрелга қадар да- вом этадиган ушбу нуфузли кўрикда жаҳондаги етакчи самолётсозлик компаниялари ўзларининг энг янги ишланмалари билан иштирок этиш- моқда.

● Канадада ўтказилаётган ҳарбий- ўқув машқ йиғинлари пайтида бахт- сиз ҳодиса туфайли битта ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди, уч нафари жа- роҳатланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ2017–2021 йилларда КЎП ХОНАДОНЛИ УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ
САҚЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кўп хонадонли уй-жой фондининг лифт ускуналарини таъмирлаш ва алмаштириш – хусусий уй-жой мулкдорларининг ўз маблағлари, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари маблағлари, халқаро молия институтлари кредитлари, шунингдек, лизинг ҳисобидан.

4. Дастурни амалга ошириш доирасида: Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг "Кўп хонадонли уйлар, иссиқлик таъминоти объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" давлат унитар корхонаси – бюрт-мачи;

"ТошуйжойЛИТИ" АЖ – бош лойиҳа ташкилоти; "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ – уй-жой коммунал соҳа ташкилотларини молиялаштиришни таъминлайдиган ваколатли банк;

"РИЛК" Қурилишмашлининг АЖ – уй-жой коммунал хизматлар кўрсатадиган ташкилотларни зарур техника ва таъмирлаш-қурилиш ускуналари билан таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган лизинг компанияси этиб белгилансин.

5. Тижорат банкларида "Таъмирлаш-тиклаш хизмати" ДУК ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига мазкур қарор билан тасдиқланган Дастурни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлмаган ставка бўйича 5 йил муддатга имтиёзли кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки: тижорат банклари билан биргаликда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш-тиклаш ва унга туташ ҳудудларни ободонлаштириш ишлари учун аввал ажратилган кредитларини қарз олувларининг аризаларига биноан 5 йил муддатга узайтирсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда уй-жой коммунал хўжалиги корхона ва ташкилотларининг ҳисоб-варақларида маблағ тўланиши ва улардан фойдаланиш тартибини кўзда тутиадиган низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузурида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига шартнома асосида бухгалтерлик ҳисобини юритиш, консалтинг хизматлар кўрсатиш ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларидан мажбурий бадаллар йиғиш хизматлари кўрсатадиган "Ягона ҳисоб-китоб маркази" ва унинг шаҳар ҳамда туманларда, зарур ҳолларда, туманлараро филиаллари ташкил этилсин.

Бунда "Ягона ҳисоб-китоб маркази"нинг талаб қилиб олгунақа депозит ҳисобварақлари:

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ филиалларида – банкнинг шаҳар ва туманлардаги мавжуд филиалларида; бошқа тижорат банклари филиалларида – "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ филиаллари мавжуд бўлмаган ҳудудларда очилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари "Ягона ҳисоб-китоб марказлари" тегишли равишда фаолият кўрсатиши учун уларни хоналар билан таъминлаш бўйича барча зарур чораларни кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан ҳамкорликда 2017 йилнинг 1 ноябригача кўп хонадонли уйларни, мулкчилик шаклидан қатъи назар, паспортлаштириш натижалари бўйича уларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантирсин ва уни мунтазам янгиллаб боришни таъминласин;

2017 йилнинг 1 сентябрга қадар "Таъмирлаш-тиклаш хизмати" ДУКни Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, халқаро молия институтлари маблағлари, тижорат банклари кредитлари ва лизинг ҳисобидан "Таъмирлаш-тиклаш хизмати" ДУКнинг янгидан ташкил этиладиган шаҳар ва туман филиалларини 5-иловага мувофиқ махсус техника ва механизмларнинг намунавий рўйхати асосида махсус техника ҳамда механизмлар билан таъминласин;

кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш бўйича белгиланган норма ва қоидаларни ҳисобга олган ҳолда, кўп хонадонли уй-жой фонди умумий мулкни ва унга туташ ҳудудларни сақлаш учун турар жой ҳамда нотурар жой бинолар мулкдорларининг мажбурий бадаллари энг кам миқдорини ҳар йили тасдиқласин ва уларни хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига етказсин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра: кўп хонадонли уй-жой фонди умумий мулки ва унга туташ ҳудудларни сақлаш учун турар жой ҳамда нотурар жой бинолар мулкдорларининг мажбурий бадаллари миқдори хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан ҳар йили тасдиқланадиган энг кам миқдордан кам бўлмаган ҳажмда белгиланади;

хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувининг раиси "Коммуналўқув" ўқув-услубий маркази" давлат унитар корхонасида ўқигани тўғрисида тегишли сертификатга эга бўлган тақдирда, туман (шаҳар) уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи билан келишилган ҳолда сайланади, шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аъзоларининг умумий йиғилиши қарори асосида туман (шаҳар) уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғининг тақдимномасига кўра лавозимидан озод этилади.

9. Кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилаш дастури амалга оширилишини мувофиқлаштириш ҳамда мониторинг қилиш бўйича Ўзбекистон комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) 6-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Дастурнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш;

кўп хонадонли уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари сифатини мониторинг қилиш;

кўп хонадонли уй-жойларни мавсумий фойдаланишга тайёрлашни мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш;

республикасимизнинг кўп хонадонли уй-жой фондига хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришнинг замонавий услубларини жорий қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари раҳбарларининг Дастур амалга оширилишини бориши тўғрисидаги ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиш;

Дастур параметрларига, зарур ҳолларда, асосланган ўзгариш ва аниқлаш қилиш.

10. "Таъмирлаш-тиклаш хизмати" ДУК 2022 йилнинг 1 январигача:

барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

республикада ишлаб чиқарилаётган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган қурилиш техникаси, кичик механизация воситалари, материал ва ускуналар учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштирув йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Дастурни амалга ошириш доирасида баҳариландиган лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишлари сифатининг, бюртмачи ва пудратчи ташкилотлар томонидан тузилган шартномалар шартлари баҳарилишининг давлат архитектура-қурилиш назоратини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги "Ўзқурилишматериаллари" АЖ, "Ўзметкомбинат" АЖ билан биргаликда навбатдаги йил учун моддий балансларни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг асосланган талабномалари бўйича Дастурни амалга ошириш учун цемент ва металл прокатларини тўғридан-тўғри шартномалар ҳамда тартибга солинадиган нархлар асосида ўрнатилган тартибда ажратишни назарда тутсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаъдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Ж.Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 24 апрельЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "2017–2021 йилларда КЎП ХОНАДОНЛИ
УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ САҚЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Кўп хонадонли уй-жой фондининг техник ҳолатини тубдан яхшилаш ва ундан самарали фойдаланиш, таъмирлаш-тиклаш ишларини ўз вақтида амалга ошириш, шунингдек, кўп хонадонли уйларга туташ ҳудудларда тозаликни сақлаш ва уларни ободонлаштириш бундай уйларда яшайдиган аҳоли учун қўлай шарт-шароитлар яратишда муҳим ҳаётий омиллардан бири саналади.

Бугунги кунда мамлакатимизда таркибий ислохотларнинг мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий базага таянган ҳолда изчил амалга оширилаётгани уй-жой фондини бошқариш ва ундан фойдаланишнинг муқола янги тизимини ташкил этиш имконини бермоқда.

Кейинги 5 йилда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш, кўп хонадонли уй-жой фондини капитал ва жорий таъмирлаш бўйича қабул қилинган қарорлар асосида кўп хонадонли уйларнинг томи, подвал ирригациялари, фасад, подъезд, лифт ва инжиргация тармоқлари, шунингдек, йўлакларни бетонлаштириш ҳамда уй-жойлар атрофидаги ҳудудларни ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш масалаларини ўз ичига олган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 4 мингдан зиёд хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан 32,4 мингдан ортиқ кўп хонадонли уйга хизмат кўрсатилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу тармоқда олиб борилаётган ишлар таҳлили хусусий уй-жой мулкдорларининг кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш, ундан фойдаланиш ва таъмирлаш борасидаги фаолиятида ҳал этилмаган қатор муаммолар борлигини кўрсатмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, аввало, кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва ундан фойдаланишда жойлардаги ижро ҳокимияти органлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасида комплекс ёндашув ҳамда ўзаро ҳамкорлик механизми шаклланишини қайд этиш зарур.

Кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш борасида таъсирчан назорат ўрнатилганда, кўп ҳолларда ундан техник фойдаланиш ва аҳолининг ҳавфсиз яшашини таъминлаш борасидаги меъёр ва талаблар бузилишига йўл қўйилмоқда. Кўп хонадонли уйларда таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказишнинг қоида ва муддатларига риоя этилмапти, бу эса, табиийки, аҳолининг ҳақли норозиликка сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017–2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори кўп хонадонли уй-жой фондини техник ҳолатини тубдан яхшилаш ва ундан оқилона фойдаланиш, таъмирлаш-тиклаш ишларини белгиланган муддатларда олиб бориш, шунингдек, кўп хонадонли уйларга туташ ҳудудларни янада ободонлаштириш учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида қабул қилинди.

Қарорда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини ташкил этишнинг асосий йўналишлари белгиланган бўлиб, улар қуйидагиларни назарда тутди:

аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, кўп хонадонли уйларда жойлашган хонадонлардаги муҳандислик-коммуникация тизими ва умумий тарзда фойдаланиладиган инфратузилмаларни ўз вақтида ва сифатли таъмирлаш, шунингдек, кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларни ободонлаштириш, у ерларда болалар ва спорт майдончаларини барпо этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш бозорини ривожлантириш имконини берадиган уй-жой коммунал хўжалигини бошқаришнинг таъсирчан вертикал тизимини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

уй-жой коммунал соҳа ташкилотлари, хусусан, таъмирлаш-тиклаш хизматларининг моддий-техник базасини яратиш ва

мустаҳкамлаш, уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва малакали мутахассислар билан таъминлаш.

Қарорга мувофиқ, 2017–2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилаш дастури тасдиқланди. Ушбу Дастурда кўп хонадонли уй-жой фондининг умумий тарзда фойдаланиладиган инфратузилмаларини капитал ва жорий таъмирлаш, ҳудудларни ободонлаштириш, лифт ускуналарини таъмирлаш ва алмаштириш, шунингдек, кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш, ундан фойдаланиш ва таъмирлаш тизимини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар белгиланди.

Қайд этилган лойиҳаларни амалга ошириш учун хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ўз маблағлари, тижорат банклари кредитлари, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, халқаро молия институтлари кредитлари, шунингдек, лизинг ҳисобидан 1,8 триллион сўм маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Мазкур Дастурни амалга оширишда "Ўзсаноатқурилишбанк" акциядорлик тижорат банки уй-жой коммунал соҳасига қарашли ташкилотларни молиялаштиришни таъминлайдиган ваколатли банк этиб белгиланди.

Дастурни амалга ошириш доирасида тижорат банкларида "Таъмирлаш-тиклаш хизмати" давлат унитар корхонаси ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига имтиёзли кредитлар ажратиш тавсия этилди.

Шунингдек, мазкур қарорда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузурида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига шартнома асосида бухгалтерлик ҳисобини юратиш, консалтинг хизматлар кўрсатиш

тиш ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларидан мажбурий бадаллар йиғиш хизматларини кўрсатадиган "Ягона ҳисоб-китоб маркази" ва шаҳар ҳамда туманларда унинг филиалларини ташкил этиш назарда тутилган.

Қарор билан шундай тартиб ўрнатилмоқдаки, унга кўра:

кўп хонадонли уй-жой фонди умумий мулки ва унга туташ ҳудудларни сақлаш учун турар жой ва нотурар жой бинолар мулкдорларининг мажбурий бадаллари миқдори Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳар йили тасдиқлайдиган энг кам миқдордан кам бўлмаган ҳажмда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан белгиланади;

хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувининг раиси "Коммуналўқув" ўқув-услубий маркази" давлат унитар корхонасида ўқигани тўғрисида тегишли сертификатга эга бўлган тақдирда, туман (шаҳар) уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи билан келишилган ҳолда сайланади, шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аъзоларининг умумий йиғилиши қарори асосида туман (шаҳар) уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғининг тақдимномасига кўра лавозимидан озод этилади.

Қарорнинг амалга оширилиши қуйидаги натижаларга эришиш имконини беради:

биринчидан, бу қарор кўп хонадонли уй-жой фондининг техник ҳолатини ва ундан мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланиш тубдан яхшилаш, таъмирлаш-тиклаш ишларини ўз вақтида ўтказиш;

иккинчидан, аҳолининг ривожланган инфратузилмага эга бўлган кўп хонадонли уй-жой фондида яшаш учун ҳар жиҳатдан қўлай шароит яратиш;

учинчидан, кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва ундан фойдаланишда жойлардаги ижро ҳокимияти органлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ўзаро ҳамкорликда ишлашини таъминлайди.

МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТНИ
УЙҒОТУВЧИ КУЧ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Шаҳримизга Амир Темури ордени берилганида яна бир рамзий маъно бор, – дейди Термиз археология музейи директори Зебунисо Алимардонова. – Тарихий манбаларда Соҳибқироннинг 1368–1369 йилларда Мовароуннахрни мўғуллар зулмидан озод қилиш, унинг мустақиллигини таъминлаш, бирлаштириш, қудратли давлат тузишидаги ҳал қилувчи жанглари Термиз ва унинг атрофида кечганлиги қайд этилган.

Термиз атрофидаги Биё кишлоғи яқинида Амир Темури Мир Сайид Барақадан салтанат рамзи ҳисобланган туғ ва ногорани қабул қилиб олади. Бу муҳим воқеанинг ҳам Термиз билан боғлиқлиги Соҳибқирон ҳаётида бу шаҳарнинг нақадар муҳим роль ўйнаганидан далолатдир.

Амир Темури ва темурийлар даврида Термиз Мовароуннахрнинг энг машҳур тўртта шаҳаридан бири сифатида ислом дини ва маданиятининг йирик марказига айланади. Термизлик уламолар, мутафаккирлар бутун ислом оламида донг қаради. 1404 йилда Испания қироли Генрих III де Трастамара номидан Самарқандга Амир Темури ҳузурига элчи бўлиб келган Руи Гонсалес де Клавиho йирик шаҳарлардан бири сифатида Термизни ҳам бориб кўрган.

Амир Темури ордени Термиз шаҳри бугун замонавий қиёфа касб этган. Муҳташам бинолар, Бахт уйи, Хотира майдони, замонавий усулда қад ростлаган таълим ва тиббиёт муассасалари, болалар спортиншоотлари, кўп қаватли турар жойлар, кенг, равои йўллар шаҳар чиройини очиб юборган. Ободонлаштирилиб, кўркам зиёратгоҳларга айлантирилган Ҳақим Термизий мажмуаси, Султон Саодат, Қокилдорота мақбаралари ва бошқа қадам-жоларга борсангиз дилингиз руҳий қувват олади, маънавий оламингиз тиниклашади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йилнинг февраль ойида Сурхондар вилоятига ташири чоғида қурилиши билан танишган Адиб Собир Термизий номидаги вилоят ахборот-кутубхонаси ва муҳташам Санъат саройи ҳам бу шаҳарда бунёдкорлик ишлари изчил давом этаётганини тасдиқлайди.

Муҳтасар айтганда, жамиятда ҳар бир соҳанинг ривожига ўзига хос рағбатлантирувчи омил бўлади. Давлатчилгимизни мустаҳкамлаш, ҳарбий маҳоратни ривожлантириш, тинчликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шунингдек, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга қаратилган алоҳида хизматларнинг энг олий мукофоти сифатида Амир Темури ордени ҳам ана шундай хусусиятга эга. Зеро, бобомизнинг от устидagi улугвор қиёфаси акс эттирилган, тасвир остида унинг ҳаётий таъомили "Куч – адолатда" шиори битилган мазкур ордена томиримизда оқаётган буюк аждодлар қонини кўпиртирувчи, барчамизни янги-янги ютуқларга ундовчи куч бордир.

Малоҳат ҲУСАНОВА,
ЎЗА муҳбириЁшларга оид давлат
сиёсати – амалдаТАДБИРКОР —
ЮРТГА МАДАДКОР

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни ушбу соҳага кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирзо Улугбек туман Кенгаши, туман ҳокимлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида "Менинг бизнес гоём" танловнинг туман босқичи ўтказилди. Танловга қатнашиш истагини билдирган ёшлардан 1265 нафари анкета ва "Менинг бизнес гоём" мавзусидаги ишолари билан қатнашди. Улар орасидан энг яхшилари деб саралаб олинган 90 нафар иштирокчи танловнинг туман босқичида иштирок этди.

Танловнинг биринчи кунини давомидан иштирокчиларга "Менинг бизнес гоём" танловининг мазмун-моҳияти, унинг ўтказилиш тартиби тўғрисида тўлиқ маълумотлар бериб ўтиганидан сўнг малакали мутахассислар томонидан махсус семинар-тренинглари ўтказилди.

Ёшларда катта қизиқиш уйғотган танловнинг иккинчи кунини "Ипотека банк" меҳнат филиали мутахассислари, "Saboxat Fayz Servis" корхонси директори ва "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирзо Улугбек тумани Кенгаши ходимларидан иборат ҳакамлар хайъати аъзолари олдида иштирокчилар ўз бизнес гоёмларини тўшунтириб, ҳимоя қилдилар. Сўнгра энг яхши 12 нафар иштирокчиларга танловнинг шаҳар босқичида иштирок этиш учун йўланма берилди.

Тадбир сўнида голибликни қўлга киритган ўқувчилар, фаол иштирокчилар ҳамда танловнинг юқори савидага ташкил этиш ва ўтказишга яқиндан ёрдам берган ҳамкор ташкилотларга эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

